

Юртимиз уламоларининг Наманганга ташрифи бошланди



16:57 / 14.06.2021 1712

Бугун 14-июнь куни юртимизнинг таниқли уламолари Наманган шаҳрига етиб келишди.

Бугуннинг ўзида пешин намозида Наманган шаҳридаги «Исҳоқ Шайх Эшон» жоме масжидида **Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси, «Ҳазрати Али» жоме масжиди имом-хатиби Салоҳиддин домла Шарипов** ва бошқа уламолар иштирокида намозхонлар билан учрашув, юзма-юз мулоқотлар бошланди.



Шунингдек, аср намозига Ўзбекистон Республикаси Президентининг диний масалалар бўйича маслаҳатчиси Шоазим Шоисломович Миноваров ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбековлар намангандаги «Афсоналар водийси»

тематик паркида жойлашган «Юсуфхон ўгли Қосимхон» масжидига ташриф буюриб, маърузалар қилишади.



Бундан ташқари бошқа бир гуруҳ уламолар аср намозини Наманган вилояти Поп туманидаги «Кичик Хўжабод» жоме масжидида ва «Муҳаммаджон қори» жоме масжидида шом намозидан сўнг суҳбатлар қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Наманган вилоят вакиллиги матбуот хизмати